

ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР ТУШУНЧАСИ, ТУРЛАРИ ва КЛАССИФИКАЦИЯСИ ТАҲЛИЛИ

Янгибаева Маҳбуба Расул қизи

Ажиниёз номидаги НДПИ 2-чи босқич магистранти

АННОТАЦИЯ: Ушбу мақолада ҳозирги кунда таълим-тарбия жараёнидаги кенг кўлланиладиган педагогик технологиялар тушунчаси, уларни турлари ва классификациясига оид маълумотлар таҳлил қилинади, хорижий ва маҳаллий олимларни таърифлари солиштирилади ва педагогик технологияни моҳияти аниқлаб берилади.

КАЛИТ СЎЗЛАР: педагогик технологиялар, турлари, классификацияси, педагогика фани ва амалиёти, Т. Сакамотэ, Я.А. Коменский, ЮНЕСКО, илмий ёндашувлар, умумий педагогик технологиялар, хусусий педагогик технологиялар, модулли кичик универсал технологиялар, илмий, диний, фалсафий дунёқараш.

АННОТАЦИЯ: В статье рассматривается проблема широко распространённого сегодня в учебно-воспитательном процессе понятия “педагогические технологии” и анализируются их виды и классификация. Даётся сравнение данных им определений со стороны зарубежных и узбекских учёных, раскрывается их содержание.

КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА: педагогические технологии, виды, классификация, педагогическая наука и практика, Т. Сакамотэ, Я.А. Коменский, ЮНЕСКО, научные подходы, общие педагогические технологии, частные педагогические технологии, модульные мини универсальные технологии, научный, религиозный, философский взгляд.

Маълумки, «**технология**» термини педагогика фанига 1872 йилда кириб келган. У юонон тилидан олинган бўлиб, «технос», яъний «ҳунар, маҳорат» ва «логос» - «таълимот, фан» деган маънони билдиради. Қисқача эса «маҳорат ҳақидаги фан» маъносини англатади. Бугунги кунда педагогика фани ва амалиётида «педагогик технология», «таълим технологияси», «ўқитиш технологияси» каби атамалардан кенг фойдаланиб келинмоқда.

Шу билан бирга, уларни тушуниш пайтида ҳар ҳил алоҳида фикрлар пайдо бўлмоқда. Мисол учун, ҳозирги кунда мактаб амалиётидаги аксарият педагог-ўқитувчилар **«педагогик технология»** - бу фақат ахборот технологияси билан боғлиқ, ҳамда ўқитиш жараёнида кўлланиши зарур бўлган техник воситалар, компьютер, масофали таълим, ёки турли ҳил техникалардан фойдаланишдир, - деб ўйлашади. Бу, албатта, нотўғри фикр.

Педагогик технологияларнинг энг асосий негизи - бу ўқитувчи ва ўқувчиларнинг белгиланган мақсадтан кафолатланган натижага ҳамкорлиқда эришиши учун танланган технологияга боғлиқ ҳисобланади.

«Педагогик технология» ибораси биринчи марта 1970 йилда япон педагог олими Т. Сакамотэ томонидан киритилган эди. Олимнинг фикрича, «педагогик технология» ўқитишнинг мақбуллигини таъминловчи йўл-йўриклар тизими билан боғлиқ билимлар соҳасидир. Педагогик технология - бу тизимли фикр юритиш усулини педагогикага сингдириш, бошқача қилиб айтганда, педагогика жараёнини муайян бир тизимга келтиришдир».

PEDAGOGIK ISLOHOTLAR VA ULARNING YECHIMLARI

<https://worldlyjournals.com>

1-ОКТАБР, 2024

Авваламбор, ушбу тушунчага берилган хориж ва маҳаллий олимларни таърифларни солиштириб кўриш ва унинг моҳиятини аниқлаб олиш зарур.

Рус олимаси, проф. **Н.Ф. Тализина** педагогик технологияни «... белгиланган ўкув мақсадига эришишнинг оқилона усулларини аниқлашдан иборат», - деб ҳисоблайди.

Ўзбек олими, проф. **Н. Сайдахмедовнинг** фикрича, «педагогик технология амалиётга жорий этиш мумкин бўлган маълум педагогик тизимнинг лойиҳасидир».

Бошқа бир ўзбек олими, проф. **М. Очиловнинг** нуқтаи назари бўйича эса, «педагогик технология тизимли, технологик ёндашувлар асосида таълим шаклларини қўллайлаштириш, натижасини кафолатлаш ва объектив баҳолаш учун инсон салоҳияти ҳамда техник воситаларнинг ўзаро таъсирини инобатга олиб ўзлаштириш жараёнида қўлланиладиган метод ва усуллар мажмуидир».

Ўзбекистонлик педагог олим **Б.Л. Фарберман** педагогик технологияга қўйидаги таъриф беради: «Педагогик технология – таълим жараёнига янгича ёндашув бўлиб, педагогикада ижтимоий муҳандислик онг ифодасидир. У педагогик жараённи техника имкониятлари ва инсоннинг техниковий тафаккури асосида стандарт ҳолга солиб, унинг оптималь лойиҳасини тузуб чиқиши билан боғлиқ ижтимоий ҳодисадир».

Махсус адабиётларда педагогик технологияга берилган бошқа таърифлар (В. Гушаев, В. Сластёчин, Б. Лихачёв, И. Волков, Ч.Юдит ва б.) ҳам келтирилади, аммо уларнинг биронтаси **ЮНЕСКО** таърифи даражасига кўтарила олмаган.

Бу тушунчага **ЮНЕСКО** томонидан қўйидаги таъриф берилган: «**Педагогик технология** - бу таълим шаклларини оптималлаштириш мақсадида техник воситалар, инсон салоҳияти ҳамда уларнинг ўзаро таъсирини инобатга олиб, ўқитиши ва билим ўзлаштиришнинг барча жараёниларини аниқлаш, яратиш, уни қўллашнинг тизимли (войиҳалаштирилган) методи (усули)дир. Педагогик технология - таълим-тарбиядан қўзланган мақсадга эришиш учун ўкув жараёнида қўлланиладиган усуллар ва воситалар мажмуидир. Педагогик технология – бу билим бериш ва уни эгаллашда техника ва инсон ресурсларини ўзаро узвий боғлиқ ҳолда кўриб, бутун таълим жараёнини лойиҳалашда ва амалда қўллашда мажмуали ёндашув усулидан фойдаланишдир».

Педагогик технология эскими ёки янгими, у қадимдан мавжуд. Бироқ, жамият тараққий этган сари маориф олдига ўзининг янгидан - янги ижтимоий буюртмаларини қўйиб борганилиги туфайли, таълим-тарбия жараёни ҳам замонавий илғор методлар, усуллар билан бойиб, янгиланиб боради.

Замонавий педагогик технологиянинг йўналишлари кўп. Ҳозирги анъанавий таълим 17 - асрда машҳур **Я.А. Коменскийнинг** дидактик тамойиллари асосида шаклланиб, бугунда дунё мактабларидағи энг кўп қўлланилаётган синф-дарс тизимидан иборат. Замонавий педагогик технологиялар асосан шу тизимни такомиллаштириш мақсадида яратилиб, ҳозирда турли йўналишларда ривожланиб келмоқда. Булар, жумладан:

- педагогик жараённи такомиллаштириш, уни ўкувчи шахсига йўналтиришга асосланган педагогик технологиялар;
- ўкувчилар фаолиятини активлаштириш ва жадаллаштиришга йўналтирилган педагогик технологиялар;
- ўкув материалини дидактик жиҳатдан такомиллаштириш ва қайта ишлаб чиқиш асосидаги педагогик технологиялар;

- ўқув жараёнини самарали бошқариш ва ташкил қилиш асосидаги педагогик технологиялар;
- табиатга мувофиқлаштирилган педагогик технологиялар;
- ривожлантирувчи таълим технологиялари ва бошқалар.

Таълим-тарбияда мақсаднинг амалга ошиши ва кафолатланган натижага эришиш, ҳам ўқитувчи, ҳам ўқувчининг ҳамкорлиқдаги фаолияти ҳамда улар қўйган мақсад, танланган мазмун, метод, шакл, восита, яъни технологияга боғлиқ.

Ўқитувчи ва ўқувчининг мақсадтан натижага эришишда қандай технологияни танлаши улар иҳтиёрида бўлади, чунки ҳар иккала томоннинг асосий мақсади аниқ натижага эришишга қаратилган. Бунда ўқитувчи ўқувчиларнинг билим савијиси, гурух характеристи ва шароитига қараб ишлатиладиган технологияни танлайди. *Масалан*, натижага эришиш учун нафақат ахборот технологияси, яъний компьютер билан ишлаш лозимдир, балки видео, тарқатма материал, чизма ва жадваллар, турли адабиётлар, буюмлар, расмлар керак бўлади. Бу факат ўқитувчи ва ўқувчиларга боғлиқдир.

Шу билан бирга, ўқитиш жараёнини олдиннан лойиҳалаштириш зарур, бу жараёнда ўқитувчи ўқув фанининг ўзига хос томонларини, жойи ва шароитини, энг асосийси, ўқувчининг имконияти ва эҳтиёжини ҳамда ҳамкорлиқдаги фаолиятини ташкил эта олишини ҳисобга олиши керак. Фақат шундагина керакли кафолатланган натижага эришиш мумкин. Қисқача қилиб айтганда, ўқувчини таълимнинг марказига олиб чиқиш керак бўлади.

Педагогика назарияси ва амалиётида таълим-тарбия жараёнига боғлиқ кўплаб ёндашувлар мавжуд. Педагогик технологияларни характеристи ана шу ёндашувлардан келиб чиқади. Шунга қарамасдан, кўпгина педагогик технологиялар ўз мазмуни, мақсади, методлари ва воситаларига кўра бир-бирига ўхшаш бўлади. Педагогик технологияларни ана шу ўхшаш хусусиятларига қараб уларни бир неча турга ажратиш мумкин.

Қўлланилишига, қамров ҳажмига (масштабига) кўра улар **3 гурухга ажратилади**:

- Умумий педагогик технологиялар;
- Хусусий педагогик технологиялар;
- Модулли кичик универсал технологиялар.

Умумий педагогик технологиялар ўз ичига йирик технологияларни, яъни бутун таълим тизимида тегишли бўлган масалаларни қамраб олади. *Масалан*, рейтинг тизимида ўтиш, тест технологиясига ўтиш шулар жумласига киради.

Хусусий педагогик технологиялар эса маълум фан доирасида қўлланилиши мумкин ва кулай бўлган технологияларни ўз ичига олади. *Масалан*, математика фани учун қулай бўлган технологияларни ишлаб чиқиши.

Модулли кичик универсал технологиялар бирор рефлексни ривожлантиришга қаратилган бўлиб, турли фанларни ўрганишда ишлатилиши мумкин бўлган технологиялардир. *Масалан*, дидактик ўйинлар, ёки фикрлашга ўргатувчи топшириқлар. Улар универсал характеристерга эга бўлиб, кўп вақтни талаб этмайди. *Масалан*, дидактик ўйинли технологиялар шулар жумласига киради.

Фалсафий дунёқараш ўз навбатида таълим-тарбия тизимида ёндашувда ҳам ўз аксини топади. Диний дунёқараш ўзига хос равишда таълим-тарбия жараёнини талқин

этади, идеалистик дунёқарааш ўзига хос равишда таълим-тарбиянинг мазмун моҳиятини очиб беради.

Материалистик дунёқарааш таълим-тарбия ишини ташкил этишда материалистик нуқтаи назаридан ёндашади. У инсон шахсини моддийлик сифатида қабул қиласа, идеалистик дунёқарааш инсонни жон, тана, рух каби қисмларини тан олган ҳолда ёндашади.

Илмий дунёқарааш эса илмий кашфиётларга асосланган ҳолда таълим-тарбия жараёнини таҳлил этишга қаратилади. Демак, ҳар бир жамиятнинг қабул қилган дунёқараши ана шу жамиятда таълим-тарбия жараёнини ташкил этишга бевосита таъсир ўтказар экан.

Фалсафий жиҳатдан технологиялар қўйидаги **гуруҳларга** ажратилади: материалистик, идеалистик, илмий, диний, гуманистик, мажбурий.

Шундай қилиб, педагогик технологияларни ишлаб чиқишида маълум бир фалсафий дунёқарааш хукмронлик қиласи ва ана шу қараш ўз аксини педагогик технологияларда топади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Азизхужаева Н. «Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат», Т., 2006.
2. Давронов П.З. «Янги педагогик технологиялар», Услубий қўлланма. – Самарканд, 2008.
3. Йулдошев Ж., Усмонов С. «Педагогик технология асослари», Т., 2005.
4. Каримжонов И.А. ва б. «Янги педагогик технологиялар», Т., 2002.
5. Очилов М. «Янги педагогик технологиялар», Қарши, 2000.
6. Сайдахмедов Н. «Янги педагогик технологияларни амалийтга қўллаш», Тошкент, 2000.
7. Фарберман Б.Л. «Илғор педагогик технологиялар». Т., «Фан», 2000.
8. Халилова Ш. Т. «Педагогик технология ва педагогик маҳорат». Т., 2005.
9. Хўжаев Н.Х. ва б. «Янги педагогик технологиялар». Ўкув қўлланма. – Т.: «Фан», 2002.
10. Чориев А.Ч. «Янги педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат». Маърузалар маътни. Қарши, 2003.
11. Шодиев Н. «Янги педагогик технологиялар». Самарқанд, СамДУ, 2005.